

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2020 йил декабрь ойининг 14-куни жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг очик, суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: С.Н.Эргашев,

Судья ёрдамчиси С.Икрамовнинг котиблигида, тарафлардан Бахмал тумани прокурори ёрдамчиси О.Одилов, химоячи А.Яхшибоевнинг иштирокида,

1988 йил 21 июль куни Бахмал туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилалик, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Янгибод туман судининг 2011 йил 18 ноябрь кунги хукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддаси 1-қисми ва 119-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, ЖК 59,60,61-моддаларига асосан 7 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2014 йил 12 февраль кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 4 ой 2 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси худди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг 2015 йил 10 март кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Бахмал тумани, Оқтош ҚФЙ, Калтатой-2 қишлоғида яшовчи, 2020 йил 20 ноябрь куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 6 декабрь куни олган Махмудов Шарофиддин Ўринбой ўғли (Mahmudov Sharofiddin O'rinboy o'g'li)ни

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисми билан айблашга оид 1-1304-2001/67-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини муҳокама қилиб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, тарафларнинг музокара сўзлари ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Махмудов Шарофиддин Ўринбой ўғли 2020 йил 8 октябрь куни соат 21:00 ларда отаси Соатов Ўринбой Махмудовичга тегишли бўлган ВАЗ 2101 русумли 25F189EA давлат рақам белгили автомашинасини 4P41 “Ғаллаорол-Ўснат-Бахмал” автомобиль йўлининг 32-километрида “Новқа-Ўснат”



йўналишидан бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12-бандида яъни “Хайдовчиларга транспорт воситасини мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш тақиқланади”, 2-бандида “Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган” ҳамда 4-бандида “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги керак” – деб қатъий белгилаб кўйилган бўлсада, ушбу қоидалар талабини кўпол равишда бузиб, хайдовчи Ш.Маҳмудов маст ҳолатда ва чарчоқлик оқибатида ухлаб қолиб, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш йўналишига чиқиб кетиб, ўзининг йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган Бахмал тумани, Новқа МФЙ, Новқа қишлоғи 21-уйда яшовчи Норбоев Махмуд Бахриддин ўғлининг бошқарувидаги ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белгили автомашинасининг олд ўнг томони билан тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган.

Ушбу йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белгили автомашина салонида бўлган фуқаролар М.Нурбоев, Б.Норбаев, Г.Норбоева, А.Жўрабоев ва С.Норбоевлар турли даражадаги тан жароҳатлари олиб, туман марказий шифохонасига ётқизилган.

Тайинлаган судга оид тиббий экспертизанинг 2020 йил 28 октябрь кундаги 619-сонли хулосасига кўра фуқаро М.Нурбоевнинг танасидаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “соғлиғининг бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” – деб, 2020 йил 28 октябрь кундаги 620-сонли хулосасига кўра фуқаро С.Норбоевнинг танасидаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати” – деб, 2020 йил 28 октябрь кундаги 621-сонли хулосасига кўра фуқаро А.Жўрабоевнинг танасидаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “соғлиғининг бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” – деб, 2020 йил 28 октябрь кундаги 622-сонли хулосасига кўра фуқаро Г.Норбоевнинг танасидаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “соғлиғининг бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” – деб баҳоланган.

Бундан ташқари судга оид тиббий экспертизанинг 2020 йил 3 ноябрь кундаги 618-сонли хулосасига кўра фуқаро Б.Норбаевнинг танасидаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “Хаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати” – деб баҳоланганлиги кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи Ш.Маҳмудов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у отаси Соатов Ўринбой Маҳмудовичга тегишли бўлган “ВАЗ 21013” русумли 25F189EA давлат рақам белгили автомашинани 2014 йилдан буён бошқариб келишлигини, 2020 йил 8 октябрь соат 19:30 ларда Дўстлик МФЙ, Оломон қишлоғи худудидаги чойхонага кириб овқатланганлигини, овқатланиб ўтирганида 200-300 грам ароқ истеъмол қилганлигини, кейин чойхонадан чиқиб бошқарувидаги ВАЗ 21013 русумли 25F 189 EA давлат рақам белгили автомашинада ўзининг шахсий ишлари билан Новқа қишлоғига борганлигини, ишларини битириб бўлганидан кейин уйга қайтиш ҳолатида йўлга чиққанлигини, 2020 йил 8 октябрь куни соат 21:00 да бошқарувидаги ВАЗ 21013 русумли 25F 189 EA давлат рақам белгили



автомашинада “Новқа-Ўсмаг” йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб келаётган вақтида чарчаганлиги ва спиртли ичимликдан маст бўлганлиги сабабли уйқуси келганлигини, кейин Дўстлик маҳалласи ҳудудига яқинлашганида рулда ухлаб қолганлигини, автомашинада қаттиқ зарб тасирида уйғонганлигини, у бир зум ўзини ўнглай олмаганлигини, қарахт бўлиб қолганлигини, у ўзига келиб қараганида ГБАСПГ ВАЗ 2107 русумли автомашинанинг олд ўнг томонига бориб урилганлигини билганлигини, у йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган вақтида уйқу ҳолатида бўлганлигини, хайдовчи М.Нурбоев, Б.Норбаев, Г.Норбоева, А.Жўрабоев, С.Норбоевлар тан жароҳати олиб, шифохонага кетганлигини, у ҳам шифохонага бориб мурожаат қилганлигини, у жабрланувчига жами 8.000.000 сўм миқдоридagi даволаниш ҳаражатларини тўлаб берганлигини, қилган айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, икки нафар фарзандлари борлигини, жабрланувчилардан ҳам кечирим сўрашлигини, етказилган қолган зарарларни ҳам тез кунда қоплаб беришлигини баён қилиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ш.Маҳмудовнинг мазкур ҳукмда қайд этилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Б.Норбаевнинг унга тегишли бўлган ГБАСПГ ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белгили автомашинани ўғли М.Нурбоевга ишончнома асосида берганлигини, ўғли М.Нурбоев 2 йилдан буён шу авомашинани бошқаришлигини, ўғли автомашина бошқариш ҳуқуқига эга ва ҳамма ҳужжатлари жойида эканлигини, 2020 йил 8 октябрь куни у ўғлига дала ишларини бажариб келишини айтганлигини, у турмуш ўртоғи Г.Норбоева, акаси С.Норбоев ва қайн укаси А.Жўрабоевлар билан далага борганлигини, дала ишларини тугатганидан кейин соат 20:30 ларда уйга қайтиш учун ўғли М.Нурбоевнинг бошқарувидаги ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белгили автомашинага чиққанлигини, у хайдовчининг ёнига, турмуш ўртоғи орқа ўриндикнинг чап томонига, қайн укаси ўртага, акаси С.Норбоев орқа ўнг томонга ўтириб, йўлга чиққанлигини, 2020 йил 8 октябрь куни соат 21:00да ўғли М.Нурбоев автомашинани Ўсмаг-Новқа йўналишида, Дўстлик МФЙ тугаш жойида бошқариб кетаётганида қарама-қарши томондан узокни ёритувчи чироқларини ёқиб нотаниш автомашина келаётганлигини кўрганлигини, уни кўрганида оралиқ масофа 300-400 метрни ташкил қилганлигини, оралиқ масофа 80-100 метр қолганида ушбу автомашина хайовчиси, кейинчалик билишича Ш.Маҳмудов улар кетаётган Ўсмаг-Новқа йўналишига ўтиб олганлигини, ўғли М.Нурбоев унга урилиб кетмаслик учун йўлнинг ўртасига ўтиб тўхтаганлигини, тўхташи билан ВАЗ 2101 русумли автомашина келиб улар ўтирган автомашинанинг олд ўнг томонига тўқнашганлигини, Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳамма тан жароҳати олганлигини, шундан сўнг ВАЗ 2101 русумли автомашина ичидан Ш.Маҳмудов тушиб келиб, “Ўзимиз хал қиламиз” – деб айтганлигини, унинг туриши, ўзини тутишидан маст ҳолатда эканлигини билганлигини, улар йўловчи машинада шифохонага борганлигини, унинг қовурғалари синиб кетганлигини, бир қанча жароҳатлар олганлигини, судланувчи Ш.Маҳмудов моддий зарарни 8.000.000 сўмлик қисмини қисман қоплаганлигини,



автомашинасига етказилган моддий зарарда уста ҳаққи ҳисобга олинмаганлигини, шунингдек даъволаниши учун касалхона тўловларидан 2.200.000 сўм пулни тўлаб бермаганлигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни, ундан етказилган моддий ва манавий зарарларни тўлиқ ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви;

Судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Б.Нурбоевнинг отаси Б.Норбоевга тегишли бўлган “ГБАСПГ ВАЗ 2107” русумли 25D 992 АА давлат рақам белигили автомашинасини икки йилдан буён ишончнома асосида бошқаришлигини, 2020 йил 8 октябрь куни эрталаб дала ишларини бажариш учун отаси Б.Норбоев, онаси Г.Норбоева, амакиси С.Норбоев, тоғаси А.Жўрабоевларни ўзининг бошқарувида бўлган ГБАСПГ ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белигили автомашинага миндириб, Новқа МФЙ ҳудудидаги ўзларига тегишли фермер хўжалиги дала майдонига борганлигини, дала ишларини тугатганидан кейин шу куни соат 20:30 ларда уйига қайтиш вақтида унинг ёнида отаси Б.Норбоев, орқа ўриндикнинг чап томонида онаси Г.Норбоева, ўртада тоғаси А.Жўрабоев, ўнг томонда амакиси С.Норбоевлар ўтирганлигини, 2020 йил 08 октябрь куни соат 21:00да ГБАСПГ ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белигили автомашинани “Ўсмаат-Новқа” йўналиши бўйлаб 60км/соат тезлик билан бошқариб кетаётган вақтида қарама-қарши томондан ВАЗ 2101 русумли автомашина унинг йўналишида ҳаракатланиб келганлигини, оралиқ масофа 80-100 метр қолганида ВАЗ 2101 русумли автомашина хайдовчиси унинг йўналишига буриб юборганлигини, кейин унинг бошқарувида бўлган автомашина ўнг эшик ва ўнг олд чироғигача бўлган қисмига ўрилганлигини, у дарҳол автомашинадан тушиб, автомашинасида бўлганларга ёрдам кўрсатганлигини, шундан кейин ўртоғи Р.Абдувоҳидов ўзининг Дамас русумли автомашинасида келиб қолганлигини, унга отаси Б.Норбоев, онаси Г.Норбоева, амакиси С.Норбоевларни миндириб Бахмал туман марказий касалхонасига кетганлигини, ўша жойдан тиббий ёрдам олганлигини, судланувчи Ш.Маҳмудов моддий зарарни қисман қоплаганлигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни ва етказилган моддий зарарни ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви;

Судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Г.Норбоевнинг 2020 йил 08 октябрь куни улар турмуш ўртоғи Б.Норбоевга тегишли ГБАСПГ ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белгили автомашинада дала ишларини бажариш учун дала майдонига борганлигини, автомашинани ўғли М.Нурбоев бошқарганлигини, улар 2020 йил 8 октябрь куни соат 20:00га қадар ишлаб кейин уйларига қайтганлигини, “Ўсмаат-Новқа” йўналиши бўйлаб ўғли М.Нурбоев рулда, унинг ёнида турмуш ўртоғи Б.Норбаев, орқа ўриндикнинг чап томонида у, ўртада укаси А.Жўрабоев, чап томонида кайн акаси С.Норбоев ўтирганлигини, шу вақти унинг йўналишига ВАЗ 2101 русумли автомашина чиқиб кетганлигини, ўғли М.Нурбоев автомашинани йўлнинг ўртасига олиб тўхтаганлигини, ВАЗ 2101 русумли автомашина улар ўтирган автомашинанинг олд ўнг томонига келиб урилганлигини, автомашинанинг саломида бўлган ҳамма тан жароҳати олганлигини, улар автомашинадан тушиб, йўловчи машинада шифохонага бориб тиббий ёрдам олганлигини, судланувчи Ш.Маҳмудов турмуш ўртоғига етказилган моддий



зарарни қисман қоплаганлигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни ва етказилган моддий зарарни тўлиқ ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви;

Судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Жўрабоевнинг Норбоев Бахриддин унинг поччаси бўлишлигини, 2020 йил 8 октябрь куни эрталаб дала ишларини бажариш учун у, поччаси Б.Норбоев, опаси Г.Норбоева, С.Норбоев ва М.Нурбоев ўзининг бошқарувида бўлган ГБАСПГ ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белигили автомашинасига миндириб, Новқа МФЙ худудидаги поччаси Б.Норбоевга тегишли фермер хўжалиги дала майдонига олиб борганлигини, улар дала ишларини тугатганидан кейин соат 20:30 да уйга қайтиш мақсадида йўлга чиққанлигини, автомашинани М.Нурбоев бошқарганлигини, унинг ёнида поччаси Б.Норбоев, орқа ўриндиқнинг чап томонида опаси Г.Норбоева, ўртада у, ўнг томонда С.Норбоев ўтирганлигини, “ЎсмаТ-Новқа” йўналиши бўйлаб кетаётган вақти ВАЗ 2101 русумли автомашина уларга қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келиб ўнг томонига келиб урилганлигини, улар Бахмал туман марказий касалхонасига келиб тиббий ёрдам олганлигини, судланувчи Ш.Маҳмудов поччаси Б.Норбоевга етказилган моддий зарарни қисман қоплаганлигини баён қилиб, қолган зарарларни ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви;

Судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган С.Норбоевнинг 2020 йил 8 октябрь куни эрталаб дала ишларини бажариш учун у, укаси Б.Норбоев, келини Г.Норбоева ва А.Жўрабоев жияни М.Нурбоев бошқарувида бўлган ГБАСПГ ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белгили автомашинада фермер хўжалиги дала майдонига борганлигини, куни бўйи ишлаб соат 20:30 да уйга қайтишганлигини, улар “ЎсмаТ-Новқа” йўналиши бўйлаб келаётганида уларга қарама-қарши томондан ВАЗ 2101 русумли автомашина ҳаракатланиб келиб бирданига улар ҳаракатланиб кетаётган йўналишга чиқиб кетганлигини, М.Нурбоев автомашинани йўл ўртасига тўхтатганлигини, М.Нурбоев автомашинани тўхтатиши билан ВАЗ 2101 русумли автомашина ҳайдовчиси ҳам автомашинасини чап томонга буриб, йўлнинг ўртасида М.Нурбоев бошқарувида бўлган ГБАСПГ ВАЗ 2107 русумли 25D 992 АА давлат рақам белигили автомашинани ўнг томонига яъни ўнг эшик ва ўнг олд чироғигача бўлган қисмига келиб урилганлигини, улар Бахмал туман марказий касалхонасига келиб тиббий ёрдам олганлигини, судланувчи Ш.Маҳмудов укаси Б.Норбоевга етказилган моддий зарарни қисман қоплаганлигини баён қилиб, қолган зарарларни ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви;

2020 йил 8 октябрь кунги ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ва фотосуратлари;

2020 йил 10 октябрь кунги транспорт воситасининг техник кўриқдан ўтказилганлиги ва текширилганлиги ҳақида баённома;

Ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 28 октябрь кунги 620-сонли хулосасига кўра, Норбоев Сафар Нурбоевичнинг танасидаги тан жароҳатлари яъни: ўнг пешона ва чакка соҳасидаги йиртилган жароҳати; ўнг чакка соҳасидаги йиртилган тикилган жароҳати; чап яноқ, пастки лаб, ияк соҳасидаги шилинма жароҳатлари каттиқ ўтмас жисмлар таъсирида



қарорда кўрсатилган ҳолатда етказилган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражаси бўйича унинг “соғлиғининг бузулишига олиб келган енгил тан жароҳати” деб баҳоланганлиги;

Ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 28 октябрь кунги 622-сонли хулосасига кўра, Норбоева Гулчехра Узоқовнанинг танасидаги тан жароҳатлари яъни: бурун қаншарининг чап томонидан шилинма жароҳати, чап юқори ва пастки қовоғидаги тирналган жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисмлар таъсирида қарорда кўрсатилган ҳолатда етказилган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражаси бўйича унинг “соғлиғининг бузулишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” деб баҳоланганлиги;

Ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 28 октябрь кунги 621-сонли хулосасига кўра, Жўрабоев Азамат Узоқовичнинг танасидаги тан жароҳатлари яъни: кўкрак қафаси юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, пешона соҳасидаги шилинма жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисмлар таъсирида қарорда кўрсатилган ҳолатда етказилган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражаси бўйича унинг “соғлиғининг бузулишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” деб баҳоланганлиги;

Ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 3 ноябрь кунги 618-сонли хулосасига кўра, Норбоев Бахриддин Нурбоевичнинг танасидаги тан жароҳатлари яъни: кўшма жароҳатдан кейинги ҳолат, ўнг томонлама кўкрак қафаси соҳаси lin.axillares anterior бўйича 3-4-5-6-8 қовурғаларнинг ёпиқ синиб силжиши. Ўнг томонлама ўпка ателектази, ўнг томонлама гемопневмоторакс, бюлау операциясидан кейинги ҳолати. Ўнг ёнбош суяги ёпиқ синиб силжиши, ўнг томонлама ёнбош суягини ОМОС қилиш операциясидан кейинги ҳолати. Ўнг тирсак бўғими соҳаси ва ўнг биллак кафти бўғими соҳаларида шилинган жароҳатлар, бурун қаншаридаги, ўнг кўл кафт устидаги, ўнг тирсак соҳасидаги шилинма жароҳатлари, ўнг соннинг юқори қов бурмаси соҳасидаги қонталаш қаттиқ ўтмас жисмлар таъсирида қарорда кўрсатилган ҳолатда етказилган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражаси бўйича унинг “Ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати” деб баҳоланганлиги;

Ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 28 октябрь кунги 619-сонли хулосасига кўра, Нурбоев Махмуд Бахриддин ўғлининг танасидаги тан жароҳатлари яъни: кўкрак қафаси юмшоқ тўқималарининг лат ейиши қаттиқ ўтмас жисмлар таъсирида қарорда кўрсатилган ҳолатда етказилган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражаси бўйича унинг “соғлиғининг бузулишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” деб баҳоланганлиги билан исботланган.

Суд, мазкур далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос, ишончли далиллар деб баҳолаб, Ш.Махмудовни мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланиш учун асослар етарли деб ҳисоблайди.

Суд, юқорида келтирилган далиллар ва асосларга таяниб, Ш.Махмудов транспорт воситалари ҳаракати, ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, фуқаро Норбоев Бахриддин Нурбоевичга оғирлик даражаси бўйича ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати, фуқаро Норбоев Сафар Нурбоевичга оғирлик даражаси бўйича соғлиғининг бузулишига олиб келган енгил тан жароҳати, фуқаролар Норбоева Гулчехра



Узоқовна, Жўрабоев Азамат Узоқович ҳамда Нурбоев Махмуд Бахриддин ўғлига оғирлик даражаси бўйича соғлиғини бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳатлари етказилишига сабабчи бўлганликдаги ғайриқонуний ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Махмудовга жазо тайинлашда, жиноятни спиртли ичимликдан маст ҳолатда содир этганлигини жазони оғирлашувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисобга олиб, шунингдек жабрланувчи Норбоев Бахриддин Нурбоевичга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплаб берилмаганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси мавжудлигини эътиборга олиб, унга нисбатан унинг жиноий ҳаракати квалификация қилинган Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми санкцияси доирасида аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги кўшимча жазо тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, Бахмал тумани прокурорининг даъво аризасини тўлиқ қаноатлантириб, судланувчи Ш.Махмудов ҳисобидан жабрланувчи Норбоев Бахриддин Нурбоевич фойдасига 7.805.000 сўмлик моддий зарарни ундиришни, шунингдек барча жабрланувчиларга бошқа қопланмасдан қолинган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Ш.Махмудов ҳисобидан ундириш юзасидан асословчи ҳужжатлар билан бирга фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжуд эканлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари суд, Ш.Махмудовга нисбатан қўллаган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни ва гаров тариқасида қўйилган уч бош қўйлар гаровга қўювчи Ш.Махмудовнинг ўзида сақланиб келинаётганлиги сабабли уни қайтариш масаласини муҳокамадан қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,

Ҳ У К М :

Махмудов Шарофиддин Ўринбой ўғли (Mahmudov Sharofiddin O'rinboy o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ш.Махмудовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, ойлик иш ҳақидан 20 (йигирма) фоиз миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаш шарти билан 2 (икки) йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Кўшимча жазо ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб, аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси ички ишлар идоралари томонидан рўйхатга олиниб,



Ш.Маҳмудовнинг иш ҳақидан ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин ва улар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Гаров тариқасида қўйилган Ш.Маҳмудовга тегишли уч бош чорва қўйлари Ш.Маҳмудовнинг ўзида сақланиб келинаётганлиги сабабли уларни қайтариш масаласи муҳокамадан қолдирилсин.

Баҳмал тумани прокурорининг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин ва Ш.Маҳмудов ҳисобидан жабрланувчи Норбоев Бахриддин Нурбоевич фойдасига 7.805.000 (Етти миллион саккиз юз беш минг) сўмлик моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчиларга қопланмасдан қолинган бошқа моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Ш.Маҳмудов ҳисобидан ундириш бўйича фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжуд эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар шу суд орқали ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида апелляция тартибида, ушбу муддат ўтказиб юборилса кассация тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

С.Н.Эргашев

Аслига тўғри:

